

МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТҮГРИСИДАГИ № 31-СОНЛИ ШАРТНОМА

Мархамат тумани

14 ноябр 2022 й.

Бундан бүён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Мархамат тумани Мактабгача таълим бўлими Номидан низом асосида фаолият олиб борувчи С.Шамшиева бир томондан ва бундан бүён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “Нематжон ота файз 2020” дехкон хўжалиги номидан Низом асосида фаолият олиб борувчи Н.Аброров бошка томондан ушбу шартномани кўйидагилар тўғрисида туздилар.

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартномага асосан Буюртмачи махсулотни қабул килади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№ №	Товарларнинг Номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	микдори	нархи	Умумий суммаси
1	Пиёз		кг	20806	2999	62397194
	Жами					62397194

1.2 Шартноманинг умумий суммаси 62397194 (Олтмиш икки миллион уч юз тўқсон етти минг бир юз тўқсон тўрт) сўм.

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1 “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 30 календар куни ичida конунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, колган 70% ни махсулотни олгандан сўнг 10 календар куни ичida қабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва б. асосида тўлайди.

2.2“Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли хисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 3 календар куни ичida махсулотни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3 “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТга мувофиқ махсулотни етказиб бериши шарт.

2.4 “Буюртмачи” махсулотларни қабул килишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган махсулотларнинг тўликлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошка талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5 Агар мазкур шартнома билан бошка холлар кўзда тутилмаган бўлса, махсулотларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6 Буюртмачининг розилигига кўра махсулот муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7 Етказиб берилган махсулот бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул килинади ва унда етказиб берилган махсулотларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

Мазкур шартномада кўзда тутилган махсулотларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Буюртмачининг хуқуклари:

3.1.1 Етказиб берувчидан Шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш: Буюртмачи хисобидан махсулотлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартларидан бошка холлар белгиланмаган бўлса;

3.1.2 Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур шартномага мувофиқ тегишли сифат ассортимент бўйича махсулотларни етказиб беришни талаб қилиш.

3.1.3 Сифатсиз махсулот етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиши тегишли сифатдаги шунга ўхшаш махсулот билан алмаштириб бериш; камчиликларни беғараз бартараф этиш;

3.1.4 Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган заарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2 Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1 Мазкур шартномага мувофиқзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган махсулотларни қабул килиш;

3.2.2 Махсулотларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3 Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

3.3.1 “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган махсулотлар учун якуний хисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;

3.3.2 Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган махсулотларни асоссиз равиша қабул киласлик натижасида етказилган заарларни коплаб беришни талаб килиш.

3.4 Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.4.1 Буюртмачига махсулотларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш агар махсулотларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меёrlаридан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўлкўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 10 кун муддат ичida барча аникланган камчиликларини беғараз бартараф этиш.

3.4.2 Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган хисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1 Буюртмачи:

4.1.1 Савдоларни ўтказиш учун Такдим этилган хужжатларини ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофиқлиги жавобгардир:

4.1.2 Томонлар ўртасидаги шартнома Мажбуриятларни бажариш тутгаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник хужжатларнинг асл нусхалари сакланиши учун жавоб беради.

4.1.3 Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равиша рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) махсулотлар қийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган махсулотлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлади.

4.1.4 Махсулотлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб килишга хаклиdir.

4.1.5 Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равиша бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида махсулотлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлади.

4.1.6 Етказиб берилган махсулотлар хакини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлади.

4.2 Етказиб берувчи:

4.2.1 Савдоларда катнашиш учун тақдим этилган хужжатларнинг ишончлилиги,

4.2.2 Микдор, сифат, техник хусусиятлар, шунингдек тақлиф этилаётган махсулотларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

4.2.3 Савдолар шартларининг бошка бузилишлари;

4.2.4 Тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.2.5 Агар етказиб берилган махсулотлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хужалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос қелмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) махсулотларни қабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган махсулотлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар махсулотлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб килишга хаклиdir. Сифати, ассортименти ва нави лозим

даражада бўлмаган махсулотлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан актептисиз тартибда ундириб олинади.

4.2.6 Махсулотларни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилимаган, махсулот етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок-бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилимаган махсулотлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни махсулотларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, оқибатида етказилган заарни коплашдан озод этмайди.

4.2.7 Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган махсулотларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ехуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган махсулотларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай махсулотлар кийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Махсулотлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан махсулотларни ўраб бериш ёки идишларга жойлашиб беришни талаб қилишга хаклидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1 Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2 Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита иктиносидий судига мурожаат қилишга хаклидир.

5.3 Томонлар иктиносидий судига мурожаат килган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктиносидий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан кисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктиносидий холатлар (уруш холати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлар киради.

6.3 Шартнома томонларидан кайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дархол иккинчи томонга бу хакда 10 кун ичida ушбу холатлар харакати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4 Шартномага асосан мажбуриятларни ижро килиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлар давом этиш муддатига кадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқрок давом килса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Ушбу шартномала томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади.

8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қиласи

8.2 Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро хисоб-китоблар тутаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган холларда шартнома бажарилган хисобланади.

8.3 Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод килмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Номи: “Нематжон ота файз 2020” д/х
Тел: _____

Манзили: Мархамат тумани
Хисоб рақами: 20208000905305561001

Банк номи: Миллий банк Мархамат филиали
МФО: 00955, СТИР: 307908184
ХХТУТ: 21210



Н.Аброров
Ф.И.

“БЮОРТМАЧИ”

Номи: Мархамат туман МТБ
Манзили: Мархамат тумани Шомат МФЙ

Тел: _____
ШХВ: 100022860032277091100251020

ШХВ*: _____
СТИР: 305155325, ХХТУТ: 85100
Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги
Ғазначилиги Ягона ғазна хисоб вараги
Ғазна х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ БХККМ: Тошкент шаҳар
МФО: 00014, СТИР: 201122919

Рахбар: _____
М.ў. _____
С.Шамшиева
Ф.И.



**173604 лот юзасидан шаклланган дастлабки
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичida иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

Муҳокама тугаган сана:

11.11.2022 10:02

Комиссия раиси:

SHAMSHIYEVA SAYYORAXON ANJANBOYEVNA



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

XM6481528531

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **MAHSULOT ETKAZIB BERISH SHARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Marhamat tumani mакtabgacha ta'lим bo'limi tomonidan 10.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Marhamat tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



Z.Z.IKRAMOV

10.11.2022